## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ-ҲАЁТГА!

**КПСС XXVII съезди партия ташкилотлари фаолиятини янада активлаштириш, улар ишини қайта қуриш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди. Партия ташкилотлари съезд кўрсатмаларига амал қилиб туб бурилиш ва қайта қуришнинг ҳозирги босқичида катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларни олиб бормоқдалар. Бу ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтаётган ҳозирги даврда яққолроқ сезилмоқда. Йиғилишларнинг дастлабки якунларини Бекобод район партия комитети ташкилий бўлимининг мудири Р. Шерматов жамоатчи мухбиримизга қуйидагича шарҳлаб берди.**

# КОММУНИСТНИНГ ТАНҚИДИЙ ФИКРИ

*Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар*

Партиявий ишнинг мазмун-моҳиятини ва таъсир кучини ҳаётнинг ўзи бойитиб, тўлдириб боради. Партия XXVII съездида қабул қилинган янги таҳрирдаги КПСС Программаси ва ўзгартишлар билан тасдиқланган КПСС Устави, партиямиз қўяётган янги талаблар бунинг яққол мисолидир. КПСС Программасидаги «Сўз ва иш бирлиги — бутун партия ва давлат фаолиятининг энг муҳим принципи бўлиб, ғоявий-тарбиявий иш олдига ҳам қўйиладиган зарур талабдир», деган сатрлар ҳар бир коммунистнинг бурч ва масъулиятини яна ҳам оширади, КПСС Устави талаблари асосида иш олиб бориш ҳар бир коммунист ва партия ташкилотининг жанговар иши, вазифаси эканлигини билдиради.

Районимиз партия ташкилотларида КПСС Устави талаблари ва партиямиз XXVII съездида қўйилган вазифалар асосида иш олиб борилялти. Бошланғич партия ташкилотлари ва партия группаларида қайта қуриш жараёни уларнинг жанговарлигини оширмоқда. Бошланғич партия ташкилотларида ўтказилаётган жанговарлик кўриги қайта қуришнинг самарали натижаларини кўрсатиб турибди.

Ҳисобот-сайловлар партия ҳаётида бўлганидек ҳар бир коммунист ҳаётида ҳам муҳим воқеа бўлди. Районда 70 та партия группаси, 100 та цех партия ташкилоти мавжуд. 15 нафардан кам партия аъзоси бўлган қуйи партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар пухта тайёргарлик билан ўтказилмоқда. Ҳали сайлов кампанияси бошланмасдан олдин район партия комитети партия ташкилотлари секретарлари билан зонал семинарлар ўтказди. Бу семинарларда ҳисобот ва сайловларни шу кун талаблари даражасида ўтказиш бўйича зарур йўлланмалар берилди. Танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришга, ҳар қандай дабдабабозликка зарба бериш зарурлиги уқтирилди. Бунинг дастлабки самаралари яхши бўляпти.

Партия группаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари коммунистларнинг тўла активлигида ўтди. Энг муносиб кадрлар партия группаси ташкилотчилигига сайланди. 24 та партия группаси янгидан ташкил этилди. Улар фаолиятини активлаштириш доимий эътиборимиздадир.

Цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар ҳам юксак талабчанлик билан ўтмоқда. Ҳозиргача 39 та цех партия ташкилотида ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтди. Уларда район партия комитети секретарлари, масъул ходимлари, сайлаб қўйилган активлар иштирок этмоқдалар. Йиғилишларда билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар қатъий назорат остига олинмоқда ва ҳал этилмоқда.

Партия группаларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар 22 та конкрет, амалий руҳдаги танқидий фикр-мулоҳазаларни билдирдилар. Уларнинг 15 таси жойлардаги партия, совет ташкилотлари томонидан ҳал қилинди. 7 та танқидий фикр район партия комитети назоратида турибди. Улар босқичма-босқич ҳал қилинади.

Бошланғич партия ташкилотлари партиянинг асосидир. Районимизда 91 та бошланғич партия ташкилоти бор. КПСС Устави талаблари бўйича бу йил 5 та бошланғич партия ташкилотида ҳисобот-сайловлар ўтади. Яқинда бошланғич партия ташкилоти секретарларининг семинарини ўтказдик. Унда ҳисобот-сайлов йиғилишларини намунали ўтказишга доир зарур йўлланмалар берилди. Семинар қатнашчилари 7-мактаб партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида қатнашдилар. Бу кўргазмали йиғилиш семинар иштирокчиларига катта фойда берди.

Ҳисобот-сайловлар давом этаяпти. Улар белгиланган график асосида танқид руҳида ўтаяпти. Йиғилишларда ютуқлар умумлаштирилиб, камчиликлар очиб ташланмоқда, галдаги вазифалар белгилаб олинмоқда. Сўзга чиқаётган коммунистларнинг нутқидаги принципиаллик, жўшқинлик сезилиб турибди.

Райондаги кўпгина партия ташкилотларида қайта қуриш жараёни тезкорлик билан амалга оширилмоқда. «КПСС XXV съезди» совхози (партия ташкилоти секретари Қ. Тожиқулов), Ленин номли колхоз (партия ташкилоти секретари Ф. Холиқулов), Навоий номли колхоз (партия ташкилоти секретари А. Қурбонов), «Далварзин» совхози (партия ташкилоти секретари А. Хожимирзаев) партия ташкилотларида қуйи партия ячейкаларига раҳбарлик ҳар қачонгидан ҳам яхшиланди. Партия ташкилотлари қайта қуришнинг туб моҳиятларига чуқур тушуниб, фаолият кўрсатаётганликлари учун ҳам партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларнинг самарадорлиги, таъсирчанлиги ошмоқда. Хўжаликка партиявий раҳбарлик такомиллашмоқда. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, улар масъулиятини ошириш партия ташкилотларининг диққат-эътиборларида турибди.

Лекин айрим бошланғич партия ташкилотлари ўз ишларини ҳамон сусткашлик билан қайта қурмоқдалар. Бунга «Ленинград» ва «Октябрь 46 йиллиги» совхозлари партия ташкилотлари мисол бўла олади. Мазкур хўжаликлар партия ташкилотларининг секретарлари С. Ҳакимов, Н. Каримовлар талабчанликни кучайтиришлари, қуйи партия ташкилотларига раҳбарликни яхшилашда активлик кўрсатишлари, ишни қайта қуришга бош бўлишлари керак.

Ойбек номли, Ленин номли қишлоқ матлубот жамиятлари бошланғич партия ташкилотлари ишида ҳам қайта қуриш суст давом этаётганини кўриб турибмиз. Уларга зарур даражада партиявий таъсир кўрсатаяпмиз, амалий ёрдам бераяпмиз. Ўз ишларини сусткашлик билан қайта қураётган партия ташкилотларига нисбатан талабчанликни яна ҳам оширяпмиз.

Бу йил районимиз меҳнаткашлари партия ташкилотлари раҳбарлигида катта бунёдкорлик ишларини олиб бормоқдалар. Чорвадорларимиз Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқдилар. Пахтакорлар, халқ хўжалигининг барча тармоғи меҳнаткашлари ўн иккинчи беш йилликни жадаллаштириш, қайта қуриш беш йиллиги деб билиб, астойдил ишламоқдалар.

Ҳозир пахта йиғим-терими бошланиб кетди. Ватанга 68 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномасига жавобан зарбдор меҳнат билан тинчлик ишига ҳисса қўшиш ҳар бир бекободликнинг шон-шараф ишига айланган.

ОБУНА-87

# «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»

«Совет Ўзбекистони» газетасига 1918 йилда асос солинган. Унинг биринчи сони ўша йили 21 июнда «Иштирокиюн» («Коммунист»), номи билан 800 нусхада нашр этилган.

Республиканинг бу энг йирик, етакчи газетаси тарихи Туркистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва социалистик Ўзбекистоннинг тараққиёти тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Газетанинг тарих мулкига айланган тахламлари ўлкада Октябрь революцияси ғалабасини мустаҳкамлаш, социализм қуриш, илғор коммунистик ғоялар барқарор бўлиши учун олиб борилган ҳаётбахш кураш солномасидир.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар қилишда муҳим роль ўйнаётган «Совет Ўзбекистони»нинг ҳозирги бир сафарги тиражи 835 минг нусхадан ортиқдир. Унинг навбатдаги янги сонини ҳар тонгда ишчи, колхозчи ва зиёлилар, кексаю ёшлар — юз минглаб ўқувчилар интиқ бўлиб кутишади. У ҳар бир хонадонга республикамиз иқтисодий ва социал ҳаётининг янгиликларини, илҳомбахш яратувчилик пафосини, камчилик ва иллатларга муросасизлик руҳини, социалистик турмуш тарзимиз ҳикоятларини олиб киради.

Газетанинг 1987 йилдаги асосий мазмуни республикамиз меҳнаткашларининг КПСС XXVII съезди тарихий қарорларини амалга ошириш, Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллигини муносиб кутиб олиш жабҳаларида кўрсатадиган ғайрат-шижоатларини жозибакор қилиб ёритишдан иборат бўлади. Материалларда меҳнаткашларнинг ўн иккинчи беш йиллик план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажариш йўлидаги ташаббускорлиги, изланиши, фидокорлиги, фан-техника тараққиёти проблемалари партиявий, хўжалик идеология ишларидаги қайта қуришлар тажрибаси, хўжалик юритиш механизми ва бошқаришни такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари, хўжалик ҳисоби, коллектив пудрати афзалликларидан самарали фойдаланиш, фаолиятнинг барча жабҳаларида юқори сифат учун кураш резервларини қидириб топиш ва улардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, алкоголизм ва меҳнатсиз даромадларга, умуман олға қараб ҳаракатимизга ҳалақит берадиган номатлуб ҳолатларга қарши кураш ўз ифодасини топади.

Партиямиз ишлаб чиққан ва сабот билан амалга оширилаётган жадаллаштириш стратегияси экономика, маданият, ижтимоий муносабатларда қайта қуришни амалга ошириб, қотиб қолган, сийқаси чиққан, тараққиёт йўлида тўғаноққа айланган ҳамма нарсани улоқтириб ташлашни, ишга янгича ёндошувни, янгича ечимларни, новаторларча ҳаракат қилишни тақозо этяпти. Бу талабларни ўринлатишда партиямиз биринчи навбатда коммунистларга таянади. Шу боисдан бошланғич партия ташкилотларининг коммунистлар активлигини ошириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ташаббус ва ижодкорликни авж олдириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, сафсатабозлик, бюрократизм, суиистеъмолликларга қарши кураш, хуллас инсон омили имкониятларини тўла рўёбга чиқариш бўйича конкрет ишлари ёритилган материаллар газетадан салмоқли ўрин олади.

Адабиёт ва санъатни ривожлантириш масалалари, бу соҳада яратилган янги асарлар билан ўқувчиларни таништириб бориш ҳам газетанинг диққат марказида бўлади.

Газетанинг депутат ва ҳаёт, ахлоқ ва одоб, маориф ва маданият, аҳолига хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт соҳаларидаги ҳам ижобий, ҳам салбий ҳолатларни мунтазам таҳлил этиб туриш анъанаси янада бойитилади. Ўқувчиларнинг халқаро ҳаёт, инсоннинг энг биринчи ҳуқуқи — тинчликда яшаш учун кураш масалаларига ортаётган қизиқишларини ҳисобга олиб, дунё воқеаларини ёритишга эътибор янада кучайтирилади.

Газетачиликда халқ мухбирларига, кенг жамоатчилик фикри ва тажрибасига суяниб, матбуот таъсирчанлигини янада кучайтиришдан иборат ленинча анъана ҳамиша бойиб, чуқур илдиз отаверади. Газетага келадиган хатларга, гражданларнинг шикоятлари ва ҳақли эътирозларига эътибор билан қараш редакциянинг шарафли бурчи бўлиб қолаверади.

«Совет Ўзбекистони» саҳифаларида ўқувчиларга манзур бўлиб келаётган кўпгина рубрикалар сақлаб қолинади, бинобарин ижодий изланиш жараёнида ёритиладиган темалар, проблемалар мазмунига мос янги-янги рубрикалар очилади.

Ҳозир «Совет Ўзбекистони» газетасига обуна қабул қилиш қизғин давом этаётир. Агар 31 октябргача обунангизни расмийлаштирсангиз газета янги йилнинг 1 январидан ўзингиз кўрсатган адресга элтиб берилади. Бордию 1 ноябрдан кейин обуна бўлсангиз, у ҳолда газетани февраль ойидан ола бошлайсиз.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

## МАЗМУНЛИ ВА ТАЪСИРЧАН

Раҳбар кадрларнинг маънавий ва шахсий камолотини ўстиришда психологик омиллар ҳам муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида бу масала алоҳида аҳамиятга эга.

Яқинда Фрунзе районида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция худди шу мавзуга бағишланди. Унда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти олимлари қатор докладлар билан чиқдилар. Профессор М. Давлетшиннинг «Ҳозирги замон раҳбарининг психологик-педагогик маданияти» деган мавзудаги доклади, айниқса, қизиқиш билан тингланди. Профессор М. Тўхтахўжаеванинг доклади эса «Раҳбарнинг маданияти ва этикаси» деган мавзуга бағишланди.

Конференцияда, шунингдек, «Раҳбар ва коллективда психологик муҳит», «Раҳбарнинг ахлоқий сифатлари», «Меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашда раҳбарнинг ғамхўрлиги ҳақида» каби темалардаги мазмунли докладлар ҳам қизиқиш билан тингланди.

ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКА ОШИРМОҚДАЛАР

## ДОИМИЙ СЕМИНАР

Информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларини ўқитиш борасида ўқитувчиларга ҳар томонлама методик ёрдам кўрсатиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институти ва Тошкент шаҳрининг Сергели районидаги 2-мактаб базасида ташкил этилган Ўзбекистон мактаб информатикаси республика маркази йўли билан ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда.

Ушбу марказ томонидан ўтказилаётган доимий семинар машғулотларида ўқитувчилар атрофлича билим ва кўникма ҳосил қилмоқдалар. Шу кунгача унда 400 дан ортиқ педагог ўз малакасини оширди.

Янги ўқув йилидан эътиборан бундай семинарни Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институти базасида ҳар ойда ўтказишга қарор қилинди.

С. ОДИЛОВА.

## МОНТАЖ ҚИЛИНМОҚДА

● **АНГРЕН кўмир разрезининг механизмлар парки қудратли экскаватор билан бойиди. 12,5 кубметр ҳажмли чўмичи бўлган машина ер кавлаш ишларига киришди. Машина Жданов номли Ижорск заводида тайёрланган. Ҳозир яна иккита шундай ўрмаловчи экскаватор монтаж қилинмоқда. Янги техника разрез коллективи шу беш йилликда кўмир қазиб олишни 3 миллион тоннага кўпайтиришига имкон беради.**

БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР

# ИБРАТЛИ ҲАЁТ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ «Саноат» маҳалласида истиқомат қилувчи нуроний отахонлар даврасида бўлиб қолсангиз, «беш қалдирғоч» — беш ака-ука ҳикоясини эшитасиз. Ҳа, Муҳиддин, Тожиддин, Саъдиддин, Шамсиддин ва Насриддин Шарафиддиновлар 1916 йилдаги Тошкент халқ қўзғолонида фаол қатнашганлар. Сўнгра улар Улуғ Октябрь инқилобининг ҳам бевосита иштирокчилари бўлиб, ўлкамизда эски тузумни ағдариб ташлаш ва янгича ҳаёт қуриш йўлида курашдилар. Муҳиддин Шарафиддинов М. Фрунзе ва В. Куйбишев тавсияси билан 1920 йилги Бухоро инқилобидан сўнг чақирилган 1 қурултой комиссиясининг раиси бўлиб тайинланди. Тожиддин эса Маркида мактаб очди. Эндиликда номлари элга яхши маълум бўлган шоир ва драматург Уйғун, академик Ё. Тўрақулов, ёзувчи У. Исмоиловлар ҳам дастлаб ана шу ерда савод чиқардилар. Саъдиддин Тошкент атрофидаги қатор қишлоқларда саводсизликни тугатиш курслари очиб, деҳқонларга зиё улашди. Шамсиддин Хуршид тахаллуси билан ижод қилиб, ўз асарларида инқилобни куйлади. «Интернационал», «Марсельеза» каби инқилоб қўшиқларини ўзбек тилига таржима қилди. Ўзбек совет драматургиясининг дастлабки ижодкорларидан ва театр ташкилотчиларидан бири бўлиб элюртга танилди. Насриддин эса Тошкентдаги 1919 йилда кўтарилган контрреволюцион қўзғолонни бостиришда ва Андижонда босмачиларни тор-мор этишда қатнашди...

Бу, бахтимиз учун курашганларнинг меҳнат ва хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Ака-укалар Ленин, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби ва республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи фахрий унвонларига, СССР медаллари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларига сазовор бўлдилар.

Бугун ана шу «беш қалдирғоч»дан бири — табаррук отахон Насриддин Шарафиддинов (Шарафқориев) катта, машаққатли ва шонли йўлни босиб ўтиб, 95 ёшга тўлди. У инқилобдан аввалги аянчли турмуш исканжаси нималигини ўз ҳаётида кўрди, билимли бўлишга интилди. Эски шаҳардаги рус-тузем мактабида ўқиди, 1916—1917 йилларда Тошкентга келган рус режиссёри Элдорус Норини труппасига қўшилиб Россиянинг 85 шаҳри бўйлаб гастролларда иштирок этди. У февраль инқилоби ҳақида Курган шаҳрида эшитди. Шундан сўнг зудлик билан Тошкентга қайтиб, инқилобий ҳаракатга қўшилди.

1917 йилда Н. Шарафиддинов Қизил Армия сафига кирди. 1918—24 йиллар мобайнида «ЧК» отрядида хизматда бўлиб, Совет ҳукуматининг душманларига қарши олиб борилган курашларда қатнашди. 1919 йилда эса оқ гвардиячи Осипов бошчилигидаги контрреволюцион ҳаракатни тормор этишда иштирок этди.

Насриддин Шарафиддинов ўзбек совет саҳна санъати ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшди. 20-йилларда Тошкентда «Профинтерн» театр труппасини ташкил этиб, режиссёр ва актёр сифатида ижодий изланди.

Мазкур труппа тарихий-инқилобий ва замонавий мавзулардаги, интернационал ғояларни ташвиқ этувчи пьесалардан Лисенко-Коничнинг «Сургун», Амнуэлнинг «Марат», Ҳамзанинг «Туҳматчилар жазоси», У. Ҳожибековнинг «Аршин мол-олон», «У бўлмаса, бу бўлсин», Ғ. Зафарийнинг «Ҳалима», З. Саид ва М. Муҳаммаджоновнинг «Қонли кун» сингари асарларини томошабинларга тақдим этди.

Насриддин отанинг умр йўлдоши Ёқутхон ая Усмонхўжаева эса 80 ёшга тўлдилар. У киши 20-йилларда Тошкентдаги Зебуннисо номли янги совет мактабида ўқиб, паранжини дастлаб ташлаган аёллардан биридир. Ая — эндиликда ўн фарзандни тарбиялаб, катта қилган Қаҳрамон она. Бир пайтлар саводсизликни тугатиш мақсадида омма ўртасида жадал иш олиб борган оилада бугун олимлар, ишчилар, педагоглар ва врачлар, драматург, режиссёр, қишлоқ хўжалик мутахассиси, маданият ходими ва бошқа касбдаги кишилар истиқомат қилмоқда. Насриддин ота ва Ёқутхон аянинг жами 50 га яқин набираси, 30 дан ортиқ эвараси бор.

Ҳа, совет воқелиги, ленинча миллий сиёсатимиз, бахтли замонамиз ва турмуш тарзимиз туфайли Насриддин ота ва Ёқутхон аялар бугун партия ва ҳукумат, эл-юртнинг иззат-икромига сазовор бўлдилар, қадр-қимматлари баланд. Бугунги фаровон ва эркин ҳаётимизни деб курашган ва меҳнат қилган кишиларнинг сермазмун умри ёш авлод учун ибратлидир.

Р. ҒАНИЕВ.

# АХБОРОТ

1986 йил 20 сентябрь кечаси қуролланган икки жиноятчи Н. Р. Манцев, С. В. Ягмуржи Уфа шаҳрида такси ушлаб, унинг ҳайдовчисини аэропортга боришга мажбур қилдилар. Улар таъқибдан қочиб қутилишга уриниб, милиция катта сержанти З. Н. Аҳтямов ва кичик сержант А. Г. Галеевга ўқ отиб, ўлдирдилар. Аэропортда жиноятчилар ТУ-134 самолётини босиб олишга муваффақ бўлдилар. Ичида етмиш олти пассажири бўлган бу самолёт Киевдан Уфа орқали Нижневартовскка бораётган эди. Самолётни босиб олиш чоғида жиноятчилар ўт очиб, икки пассажирни ўлдирдилар. Кейинчалик аниқланишича, жиноятчилар гиёҳвандлар экан.

Давлат хавфсизлиги ва ички ишлар министрлиги органларининг кўрган қатъий чоралари давомида жиноятчилар йўқ қилинди. Операция қатнашчилари зўр шахсий мардлик ва юксак профессионал тайёргарликларини намоён этдилар. Самолётни халос этиш чоғида экипаж ва пассажирлар азият чекишмади.

(ТАСС).



● **ЛАРИСА Пак кўп йиллардан бери Товоқсойдаги рўзғор химияси фабрикасида фидокорона ишлаб келмоқда. Корхонада кексаю-ёш уни меҳрибон мураббий сифатида ҳурмат қилади. Ўтган даврда у ўн тўрт нафар шогирд етиштирди. Илғор ишчи ҳар куни 470 дона ўрнига 500 дона рўмолча тайёрламоқда.**

В. Портнов фотоси, Бўстонлиқ.

## КОНИ ФОЙДА

ТОШКЕНТДАГИ 3-қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатига қарашли Оққўрғон ғишт заводи коллективи меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш даражасини оширишга катта эътибор беряпти. Заводда ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, июль ойида янги аглопорит цехи қуриб ишга туширилди. Илгари минг дона ғишт тайёрлашга 44 сўм 69 тийин сарфланарди. Энди эса янги технология туфайли ҳар минг дона ғиштнинг таннархи 2 сўм 93 тийинга арзонлашди.

— Ҳозир заводга тупроқ ташиш ишларини автоматлаштириш учун қурилиш-монтаж ишларини амалга ошираяпмиз,— дейди реконструкция ишларини ташкил этиш бошлиғи Дилавер Бекиров.— Сўнг ғиштни пресслайдиган янги майдонча тайёрлашни бошлаймиз.

О. ТЎРАҚУЛОВ.

# НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙЛАБ

**Бугун республикамиз пойтахтида яна бир Бутуниттифоқ анжумани ўз ишини бошлайди. СССР назарий ва амалий механика миллий комитети Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан биргаликда мамлакатимиз механикларининг VI Бутуниттифоқ съездини ўтказади. Бу илмий анжуманда илмий муассасаларнинг ва олий ўқув юртларининг етакчи олимлари ҳам қатнашадилар.**

*Механикларнинг VI Бутуниттифоқ съезди*

СССР назарий ва амалий механика миллий комитети 1956 йилда таъсис этилган эди. У фаннинг ана шу муҳим соҳасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Миллий комитет ташаббуси билан ва раҳбарлигида Бутуниттифоқ съездлари, халқаро кенгашлар ўтказилаяпти. Унинг сессияларида ҳозирги замон механикасининг муҳим ва долзарб вазифаларига бағишланган докладлар тингланмоқда ва муҳокама қилинмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг 228 нафар олими шу комитет аъзолари ҳисобланишади. Уларнинг кўпчилиги механика фанининг етакчи илмий ходимларидир. Улар орасида СССР ва иттифоқчи республикалар академияларининг ҳақиқий ва мухбир аъзолари бор.

Турли йилларда Ўзбекистондан республика фанлар академиясининг академиклари М. Т. Ўрозбоев, В. Қ. Қобулов ва Т. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси Д. Ф. Файзуллаев, фан докторлари, профессорлар А. Б. Бегматов, Т. Б. Бўриевлар миллий комитет аъзолари бўлишган.

Механик олимларнинг бугун Тошкентда очиладиган VI съездида 3 мингга яқин киши қатнашади. Улар орасида жаҳонга танилган йирик олимлар — Иттифоқ ва қардош республикалар Фанлар академиялари академиклари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Ленин ва СССР Давлат мукофоти лауреатлари бор.

Республикамизда механика фанининг ривожланиши СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. А. Ильюшин, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг профессори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. А. Рахматулин ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Т. Ўрозбоевлар номи билан боғлиқдир. Улар бу соҳада юксак малакали илмий кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшдилар.

Улуғ Ватан уруши йилларида Х. А. Рахматулин билан А. А. Ильюшиннинг механика соҳасида олиб борган ишлари анча самарали бўлди. Бу соҳада олиб борилган изланишлар натижасида жаҳон илмий адабиётида машҳур бўлган «Рахматулин тўлқинлари» деб аталувчи кашфиёт вужудга келди. Х. А. Рахматулин ва унинг раҳбарлигидаги ходимлар Улуғ Ватан уруши йилларида парашютларнинг аэродинамик хусусиятлари ва чидамлилиги соҳасида тадқиқотлар олиб бордилар. Уни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда кенг қўлланиш туфайли парашют конструкцияларининг қатор янги турлари яратилди. Академик олимнинг боғлаб қўйилган аэростатлар аэродинамикасини ўрганиш юзасидан олиб борган тадқиқотлари совет шаҳарлари ва жумладан мамлакатимиз пойтахтида ҳаво ҳужумига қарши тўсиқлар системасини вужудга келтиришда сезиларли роль ўйнади.

Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли Ўзбекистонда 40-йиллардан сўнг қатор бошқа фанлар қатори механиканинг етакчи йўналишларидан бири—иншоотларнинг зилзила бардошлиги ҳақидаги фан ривожлана бошлади. Академик М. Т. Ўрозбоев бу фаннинг ҳақиқий асосчиси ҳисобланади. Унинг раҳбарлигида олиб борилган илмий тадқиқотлар қурилишларни зилзилабардош бўлишида фойдаланилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 40 нафардан ортиқ фан доктори ва уч юз нафарга яқин фан кандидати механика соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Мамлакатимиз механиклари навбатдаги съездининг Тошкентда ўтказилиши ҳам республикамизнинг шу соҳа олимлари фанга қўшган улушининг тан олинишини кўрсатувчи далилдир.

Бу фан соҳаларидаги ривожланиш Шарқнинг буюк алломалари номи билан узвий боғлангандир. Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Ибн Сино асарларида сейсмология ва зилзилабардошлик фанига оид дастлабки илмий изланишлар ўз аксини топган. Уларнинг асарларида ҳозирги вақтда қурилиш норматив ҳужжатларига киритилган тебраниш сўзи — зилзилаларнинг такрорланиш частотаси тилга олинади. Улуғбек эса коинот механикасининг ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшди. Ўн биринчи асрдан сўнг Ўрта Осиёда, шу жумладан республикамизда қурилган архитектура ёдгорликлари ҳозирги ҳисоблар бўйича зилзилабардош экан. Шунинг учун ҳам улар неча асрлар давомида бузулмай жаҳон халқларини ҳайратга солмоқда.

Ҳаммага маълумки, бизнинг республикамиз, Ўрта Осиёдаги қардош республикалар ва Қозоғистон территориясининг катта қисми, Кавказ сейсмик актив зоналарга киради. Демак, бу ерларда қурилаётган иншоотлар зилзилабардош бўлиши керак. Бу катта аҳамиятга эгадир.

Сўнгги 20 йил давомида Ўрта Осиё территориясида юз берган ер силкинишлари миллиард сўмлаб зарар келтирди. Бироқ, бизнинг социалистик тузумимиз шароитида бундай офатлар келтирган зарар тез бартараф этилмоқда. Унга мамлакатимизнинг барча халқлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Тошкент шаҳрини тиклаш бунга мисол бўла олади. Бунда республикамизнинг академик Т. Р. Рашидов раҳбарлик қилаётган олимлари коллективнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У ер ости иншоотларининг жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан ялпи тан олинган асосли сейсмо-динамик назарияси яратилди. Олимнинг илмий изланишлари республикамизда Тошкент метрополитени каби улкан иншоотлар ва бошқа кўпгина саноат объектлари қурилишини лойиҳалашда асос қилиб олинди. Бу ҳисоб-китоблар София ва Деҳли метрополитенларини лойиҳалашда ҳам қўлланилаяпти.

Механикларнинг VI съезди тўрт секцияга бўлиниб ўтади. Ҳар бир секциянинг ўз кичик секциялари ҳам бўлади. Умуман бундай секциялар 29 тани ташкил этади. Съездда 1500 дан ортиқ докладларнинг тингланиши назарда тутилмоқда. Кичик секциялар мажлисларида механика фанининг 1981 — 1985 йилларда турли соҳаларда эришган ютуқлари ўз аксини топади. Бу съездда ўзбекистонлик олимлар ҳам фаол қатнашадилар. Улар 100 дан ортиқ докладлар билан чиқишади. Бу докладлар механиканинг турли йўналишлари тараққиётига бағишланади.

Съездга тайёргарлик кўрувчи республика ташкилий комитети ўзининг ишчи группаси ёрдами билан бу анжуманни ўтказиш бўйича катта ҳажмдаги тайёргарлик ишларини амалга оширди. Съезд ўтаётган кунларда Ўзбекистон ССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида «Республика халқ хўжалигида назарий ва амалий механика» кўргазмаси ташкил этилади, кооператорлар уйида эса «Механика ютуқлари» номи билан китоблар кўргазмаси ўтказилиб, унда мамлакатимиз олимларининг фаннинг бу соҳасига оид яратган асарлари намойиш этилади. Съезд қатнашчилари республикамизнинг тарихий ёдгорликлари билан ҳам танишадилар. Улар Самарқанд ва Бухорога ташриф буюришади. Тошкентдаги олий ўқув юртлар, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари, саноат корхоналари ва агросаноат корхоналарида бўладилар. Съезд иштирокчиларининг республика илмий ва студент ёшлари билан учрашувлари уюштирилади.

Ҳеч шубҳа йўқки, назарий ва амалий механика бўйича Тошкентда ўтадиган ва бир ҳафта давом этадиган Бутуниттифоқ съезди мамлакатимизда, шу жумладан республикамизда механика фанининг янада ривожланишига ёрдам беради.

Ғ. ҲОЖИМАТОВ,
**Съездни ўтказиш ташкилот комитетининг илмий котиби, техника фанлари доктори, профессор.**

# ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 21 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

| № | | Планнинг бажарилиши (проц. ҳисобида) жаъми | Районлар |
|---|---|---|---|
| | **КОЛХОЗЛАР:** | | |
| 1. | Охунбобоев номли | 15,31 | Пискент |
| 2. | Ниёзов номли | 15,12 | Янгийўл |
| 3. | «Қизил Октябрь» | 14,06 | Чиноз |
| 4. | Охунбобоев номли | 11,97 | Чиноз |
| 5. | Навоий номли | 11,46 | Бекобод |
| 6. | «Гулистон» | 11,14 | Пискент |
| 7. | «Партия XXI съезди» | 9,76 | Янгийўл |
| 8. | К. Маркс номли | 8,80 | Чиноз |
| 9. | Ленин номли | 8,67 | Янгийўл |
| 10. | «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» | 8,58 | Чиноз |
| 11. | «Октябрь 40 йиллиги» | 8,24 | Чиноз |
| 12. | «Октябрь» | 7,82 | Янгийўл |
| 13. | Тельман номли | 7,48 | Пискент |
| 14. | «Коммунизм» | 7,37 | Янгийўл |
| 15. | «Победа» | 7,23 | Бекобод |
| 16. | Свердлов номли | 7,22 | Пискент |
| 17. | Турсунқулов номли | 7,20 | Янгийўл |
| 18. | Охунбобоев номли | 7,17 | Оққўрғон |
| 19. | Вотинцев номли | 7,02 | Оққўрғон |
| 20. | Калинин номли | 6,84 | Янгийўл |
| 21. | «Партия XXII съезди» | 6,56 | Оққўрғон |
| 22. | Навоий номли | 6,55 | Чиноз |
| 23. | Киров номли | 6,39 | Чиноз |
| 24. | «Партия XX съезди» | 6,30 | Бўка |
| 25. | «Москва» | 6,25 | Чиноз |
| 26. | Навоий номли | 5,95 | Оққўрғон |
| 27. | «Ленинизм» | 5,89 | Оққўрғон |
| 28. | «Ленин йўли» | 5,78 | Ўрта Чирчиқ |
| 29. | «Коммунизм» | 5,76 | Бекобод |
| 30. | «Озод» | 5,51 | Оққўрғон |
| 31. | Ленин номли | 5,17 | Бекобод |
| 32. | «Коммунизм» | 5.12 | Оққўрғон |
| 33. | Дзержинский номли | 5,01 | Бекобод |
| 34. | «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» | 5,00 | Пискент |
| 35. | «Ленинобод» | 4,95 | Оққўрғон |
| 36. | Энгельс номли | 4,13 | Чиноз |
| 37. | Ҳ. Олимжон номли | 3,57 | Оққўрғон |
| 38. | Куйбишев номли | 3,42 | Оққўрғон |
| 39. | Калинин номли | 2,78 | Пискент |
| 40. | «Партия XIX съезди» | 2,44 | Бўка |
| 41. | Ленин номли | 2,41 | Пискент |
| 42. | «СССР 60 йиллиги» | 2,32 | Янгийўл |
| 43. | «Ленин йўли» | 2,02 | Бўка |
| 44. | «Ленинобод» | 1,81 | Бўка |
| 45. | Ҳамза номли | 1,69 | Бўка |
| 46. | «Ленинизм» | 1,65 | Бўка |
| 47. | «Москва» | 1,46 | Ғалаба |
| 48. | «Партия XXII съезди» | 1,42 | Ўрта Чирчиқ |
| 49. | Икромов номли | 1,36 | Ўрта Чирчиқ |
| 50. | К. Маркс номли | 1,27 | Бўка |
| 51. | Ильич номли | 1,14 | Бўка |
| 52. | Свердлов номли | 0,98 | Ўрта Чирчиқ |
| 53. | Жамбул номли | 0,84 | Бўка |
| 54. | Энгельс номли | 0,79 | Ғалаба |
| 55. | Ҳамза номли | 0,68 | Ғалаба |
| 56. | Свердлов номли | 0,66 | Ғалаба |
| 57. | «Коммунизм» | 0,64 | Ўрта Чирчиқ |
| 58. | Киров номли | 0,63 | Ғалаба |
| 59. | «Заря коммунизма» | 0,62 | Ғалаба |
| 60. | «Интернационал» | 0,58 | Янгийўл |
| 61. | Фрунзе номли | 0,54 | Бўка |
| 62. | Куйбишев номли | 0,52 | Ўрта Чирчиқ |
| 63. | Димитров номли | 0,52 | Ғалаба |
| 64. | «Победа» | 0,50 | Ғалаба |
| 65. | «Ленинизм» | 0,50 | Янгийўл |
| 66. | К. Маркс номли | 0,49 | Ўрта Чирчиқ |
| 67. | «Северний маяк» | 0,47 | Ўрта Чирчиқ |
| 68. | Ленин номли | 0,41 | Ғалаба |
| 69. | Ким Пен Хва номли | 0,37 | Ўрта Чирчиқ |
| 70. | Ленин номли | 0,34 | Ўрта Чирчиқ |
| 71. | «Ленинград» | 0,32 | Ғалаба |
| 72. | Энгельс номли | 0,31 | Ўрта Чирчиқ |
| 73. | К. Маркс номли | 0,25 | Коммунистик |
| 74. | Мичурин номли | 0,25 | Бўка |
| 75. | Терешкова номли | 0,23 | Ўрта Чирчиқ |
| 76. | «Политотдел» | 0,19 | Коммунистик |
| 77. | «Ўзбекистон» | 0,19 | Коммунистик |
| 78. | «Ленинский путь» | 0,13 | Коммунистик |
| 79. | Свердлов номли | 0,09 | Коммунистик |
| 80. | «Правда» | 0,06 | Коммунистик |
| | **СОВХОЗЛАР:** | | |
| 1. | «Партия XXIV съезди» | 12,31 | Чиноз |
| 2. | «Далварзин» | 6,75 | Бекобод |
| 3. | Колпакова номли | 5,55 | Бекобод |
| 4. | «Ленинград» | 4,59 | Бекобод |
| 5. | Ойбек номли | 4,15 | Бекобод |
| 6. | «Партия XXV съезди» | 3,84 | Бекобод |
| 7. | «Авангард» | 2,59 | Бекобод |
| 8. | «Пискент» | 2,12 | Пискент |
| 9. | Мавлонов номли | 1,84 | Бекобод |
| 10. | «КПСС XXVI съезди» | 1,55 | Пискент |
| 11. | С. Сегизбоев номли | 1,38 | Оққўрғон |
| 12. | «Оққўрғон» | 1,37 | Оққўрғон |
| 13. | Киров номли ўқув хўжалиги | 1,12 | Ғалаба |
| 14. | «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» | 0,88 | Ғалаба |
| 15. | «Кўкорол» | 0,86 | Бўка |
| 16. | «Кремль» | 0,66 | Бўка |
| 17. | ТИИИМСХ ўқув хўжалиги | 0,42 | Ўрта Чирчиқ |
| 18. | «Коммунизм» | 0,34 | Ғалаба |



● **РАЖАБ ҚОРАБОЕВА** кунлик суръатда пешқадамлик қилмоқда. Ҳар куни 100 килограммга етказиб пахта термоқда.

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида бундай кўпмингкилограммчи теримчилар сафи кенгайиб бораётир.



● **САПУРА** Икромова Пискент районидаги «КПСС XXVI съезди» совхозининг Суроб Боймуродов бошчилик қилаётган бригадасида меҳнат қилади. У айни кунларда пахта йиғим-теримида жонбозлик кўрсатмоқда. Кунига хирмонга 110 килограммдан ошириб пахта тўкмоқда. Суратда: пешқадам кўпмингкилограммчи С. Икромова теримда.

**А. Зуфаров** фотолари.

# ТЕЗ ВА НОБУДГАРЧИЛИКСИЗ

**ҒАЛАБА РАЙОНИ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ БУ ЙИЛ ЕТИШТИРИЛГАН ҲОСИЛНИНГ 90 ПРОЦЕНТИНИ МАШИНАЛАРДА ТЕРИБ ОЛИШГА АҲД ҚИЛДИЛАР**

РАЙОНДА машина терими арафасида механизаторларнинг слётини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бу ҳар бир хўжаликка ўзининг терим техникасини яна бир бор синовдан ўтказиш имкониятини бермоқда. Бир неча йилдан буён амалга оширилаётган бу тадбир яхши самара беряпти. Мавжуд пахта териш машиналаридан мавсумда юксак унум билан фойдаланиляпти. Масалан, ўтган йили районда етиштирилган ҳосилнинг 87,8 проценти «зангори кема»ларда териб олинди. Ҳар бир терим агрегатининг иш унуми ўртача 118 тоннани ташкил этди. Машина терими плани 117 процентга бажарилди. Ишга пухта киришган Свердлов номли, Ленин номли колхозларда ҳамда «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида 93—98 процент ҳосил машиналарда терилди.

Район пахтакорлари ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида ҳам баракали меҳнат қилишди. Далаларда мўл ҳосил етиштирилди. Улар бу йил давлатга 56 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини қабул қилишган. Механизаторлар эса бу ҳосилнинг 90 процентини машиналарда териб олишга аҳд қилдилар.

— Яқинда «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ўтказилган район механизаторларининг слётида барча «зангори кема» капитанлари бу мажбуриятни албатта бажарамиз, деб ваъда беришди,— дейди район агросаноат бирлашмаси Совети раисининг ўринбосари Пўлат Байдебов.— Бунга мустаҳкам замин ҳозирланган. Райондаги мавжуд 427 та пахта териш машинасининг ҳаммаси шу куни яна бир бор синовдан ўтказилди. Комиссия аъзолари терим машиналарининг ташқи кўринишидан тортиб, ҳар бир деталларини, аппаратларини, двигатель ва шпинделларнинг қандай созланганлигини кўздан кечириб чиқишди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, деярли ҳар бир агрегат мавсумга пухта созланган.

Бу йил районда машина теримини ўтказишда янгилик киритилди. Яъни механизаторларнинг иши махсус огоҳлантирувчи талонли системага ўтказилди. Буни шундай изоҳлаш мумкин: ҳар бир механик-ҳайдовчига махсус огоҳлантирувчи талон берилди. Унда машина теримини сифатли ўтказиш учун зарур бўлган барча қоидалар қайд этилган. Терим мавсумида район агросаноат бирлашмаси томонидан ташкил этилган, махсус комиссия аъзолари механизаторларнинг ишини назорат қилиб боради. Агарда механик-ҳайдовчи талонда белгиланган 8 та қоиданинг биронтасини бузиб, пахтани нотўғри тераётган бўлса, у огоҳлантирилади ва бу талонга қайд этилади. Терим якунлангач ҳар бир хўжаликнинг ўзида механизаторларнинг ишига умумий якун ясалади. Бунда уларнинг огоҳлантирувчи талонлари кўздан кечирилади. Агарда унда махсус белгилар қўйилган бўлса, ана шу механизаторга ишни сифатсиз бажарганлиги учун жарима солинади ва унинг мукофот пули чегириб ташланади. Шунингдек, мавсумда уч марта огоҳлантириш олган механизаторнинг мукофот пули мутлақо берилмайди. Аксинча, мавсумда бирон марта ҳам огоҳлантириш олмаган, ишни сифатли бажарган механизаторларга устама мукофот тарқатилади.

Айни кунларда ҳар бир колхоз ва совхозда механизаторлар яна бир бор махсус курсдан ўтказилмоқда. Иш сифатини ошириш учун зарур бўлган барча тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Белгиланган вазифаларимиз ниҳоятда катта,— дейди «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Сулаймонов.— Лекин реал. Уларни бемалол бажариш имконияти бор. Қолаверса, деҳқонларимиз баҳор ва ёз бўйи катта меҳнатлар эвазига етиштирган ҳосилини териб олиш учун биз — механизаторлар бутун кучимизни, маҳоратимизни ишга солишимиз шарт. Ҳозир бизнинг олдимизда иккита вазифа турипти. Биринчидан, ҳосилнинг миқдорини ошириш, иккинчидан уни сифатли қилиб териб олиш. Шунинг учун ҳар бир механизатор ўзининг машинасини доимо пухта созлаган ҳолда пахта теришга киришиши керак. Терим вақтида фақат бир марта шпинделларни созлаш кифоя қилмайди. Балки уни тез-тез назоратдан ўтказиб туриш лозим. Мен ҳисоблаб чиқдим. Агар беш минут носоз шпиндел ёки аппарат билан пахта терсак, кам деганда 300 килограмм «оқ олтин» ерга тўкилар экан.

Съездлар йилида «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози пахтакорлари йиллик планни 20 иш кунида бажариш ташаббуси билан чиқишди. Бунга асосан терим техникасидан унумли фойдаланиш ҳисобига эришилади. Хўжалик механизаторлари ҳосилнинг 95 процентини териб беришга аҳд қилишган. Бу ерда механизаторларнинг унумли ишлаб яхши дам олишлари учун алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Масалан, мавжуд 27 та бригадага 27 та комиссар бириктирилган. Улар йиғим-терим вақтида механизаторга яқиндан ёрдам беради. Шпинделларни ўз вақтида тозалаб туради. Машинани созлашда механик-ҳайдовчига кўмаклашади. Булардан ташқари ҳар бир бригадада алоҳида кўчма дала шийпони бор. Бу ерда доим иссиқ чой ва икки маҳал иссиқ овқат ташкил этилади. Махсус кўчма стенддан механик-ҳайдовчилар республикада, областда, районда ва хўжаликда пахта йиғим-теримининг боришини билиб туришади. Шунингдек, совхозда 1986 йилдан бошлаб кўчма шон-шуҳрат байроғи ҳам ташкил этилди.

Хуллас, райондаги ҳар бир хўжаликда масъулиятли мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Слёт қатнашчилари барча механизаторларга қарата қабул қилган мурожаатларида бу куннинг шиори етиштирилган ҳосилни тез ва нобудгарчиликсиз териб олиш эканлигини алоҳида таъкидлашган. Мусобақада ғолиб чиққан Свердлов номли, «Победа», «Ленинград» ва Энгельс номли колхозлар, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ҳамда Киров номли ўқув хўжалиги механик-ҳайдовчилари бу йил ҳам ҳар қачонгидан унумли ва сифатли меҳнат қилишга аҳд қилдилар.

**Ф. МУҲИДДИНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мўхбири.**

# 600 ТОННА ҚЎШИМЧА

КОММУНИСТИК районидаги Охунбобоев номли совхоз меҳнаткашлари давлатга картошка сотиш планини муддатидан илгари адо этдилар. Планда белгиланган 3080 тонна ўрнига 3086 тонна маҳсулот топширилди.

Айниқса Абдумавлон Умиров, Мажид Асанов ва Мирзаахмад Ҳожимуродов раҳбарлигидаги бригадалар далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Бу коллективларда ҳар гектаридан 105 центнердан картошка кавлаб олиняпти.

План бажарилган бўлишига қарамай ҳали далаларда ҳосил кўп. Етиштирилган маҳсулот техника ёрдамида йиғиштириб олинаётганлиги туфайли кунлик суръат юқори бўляпти. Деҳқонлар далалардаги ҳосилни чамалаб кўриб давлатга яна қўшимча 600 тонна картошка топширишга аҳд қилдилар.

# ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ХАЛҚ депутатлари область Совети ижроия комитетининг навбатдаги мажлисида область маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талаблари асосида қўл остидаги ташкилотлар ходимларининг давлат планларини бажариш ва маиший хизмат сифатини яхшилаш юзасидан масъулиятларини ошириш соҳасидаги иши кўриб чиқилди.

Мажлисда қабул қилинган қарорда область маиший хизмат бошқармаси қўл остидаги ташкилотларда интизомни мустаҳкамлаш ва давлат планларини бажариш ҳамда маиший хизмат сифатини яхшилаш юзасидан масъулиятни кучайтириш соҳасида маълум ишларни қилаётганлиги қайд этилди. Жумладан, 1986 йилнинг ўтган етти ойи давомида маиший хизмат ҳажми аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 4,8 процент ошди.

Бироқ, область маиший хизмат бошқармаси ўз ишини область ижроия комитети қарорига мувофиқ равишда тўла қайта қура олгани йўқ. 1985 йилда пландагидан 10,1 миллион сўмлик кам хизмат кўрсатилди. Бу йил ҳам планнинг бажарилиши таъминланмаяпти.

Камчилик ва нуқсонлар асосан бошқарма аппарати ходимлари ўз ишларини, шунингдек шаҳар ва район ишлаб чиқариш бошқармалари, область бирлашмалари ишини яхши уюштира олмаётганликлари сабабли рўй бермоқда. Бошқарма раҳбарлари ҳам ўзларининг иш услубларини яхшилаб олишлари керак. Улар ҳамон аввалгидек, ҳар кунлик ишлар билан ўралашиб қолиб, истиқбол масалалари хусусида жиддий ўйлашмайди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш савияси ҳамон пастлигича қолмоқда. Ҳозир 52 та хўжаликда қабул пунктлари ташкил этилмаган, 24 та хўжаликда стационар устахоналар йўқ, 53 та хўжаликда эса аҳолига бир ёки икки турда хизмат кўрсатиляпти. Бошқарма аппаратининг шу соҳаларга мутасадди бўлган ходимлари бу масалаларни Совет сессияси ёки ижроия комитет мажлисларига тайёрламайдилар. Бошқарма раҳбарлари шаҳар ва район бошқармалари ҳамда бирлашмаларида бўладиган ишлаб чиқаришга оид йиғилишларда қатнашмайдилар.

Тармоқда қилинмаган ишларни қўшиб ёзиш, хизмат турлари баҳосини ўзбошимчалик билан ошириш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Маиший хизмат корхоналари белгиланган иш режимига ҳар доим ҳам амал қилавермайди.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасида ҳам хатоларга йўл қўйилмоқда. Раҳбарлик ўринларига кўпинча махсус билимга эга бўлмаган, эскича ишлашга одатланиб қолган ташаббуссиз кишиларни кўтариш давом этмоқда.

Область ижроия комитети область маиший хизмат бошқармасининг давлат планларини бажариш, маиший хизмат сифатини ошириш учун қўл остидаги ташкилотлар фаолиятини яхшилаш соҳасида олиб бораётган ишини қониқарсиз деб топди. Область маиший хизмат бошқармасининг бошлиғи С. И. Азимовга тармоққа раҳбарлик қилиш услуб ва методларини такомиллаштириш, бошқарма аппарати ишчанлигини ҳамда уюшқоқлигини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

## *Чорва қишловига тайёргарлик «Тошкент ҳақиқати» назоратида*

# ЯНГИЧА ИШЛАШДАН ДАРАК ЙЎҚ

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «КОММУНИЗМ УЧУН» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ**

Моли тўқнинг кўнгли тўқ, деган нақл бор халқда. Дарҳақиқат, шундай. Кимки қишлов учун мўл озуқа жамғарган бўлса йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъий назар кўнгилдагидек маҳсулот етиштираверади. Областимизнинг кўпгина хўжаликларида бу борада ибратли ишлар амалга оширилди. Ердан, техникадан унумли фойдаланган, ишни тўғри ташкил этган колхоз ва совхозлар, комплекс ва фермаларда қишловга етадиган миқдорда ем-хашак жамғаришди.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам иш шундай бораяпти, деб бўлмайди. Масалан, Бўстонлиқ райони қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу йил 47 минг тонна ем-хашак жамғаришни планлаштирган бўлсалар ана шундан ҳозиргача 37 минг тоннаси тайёрланди, холос. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,5 минг тонна камдир.

Районда табиий пичан тайёрлаш ҳам қониқарсиз аҳволда. Шу кунгача 9226 тонна хашак жамғарилди. Ўтган йили бу борада ҳам яхши натижаларга эришилган эди. Бу йил эса имконият ва резервлардан тўғри фойдаланилмаяпти. Ариқ, зовур ёқаларидан, экин майдонлари, боғ-роғлар ичидаги бегона ўтларни тўплаш ишлари кўнгилдагидек бўлмади.

Ўт уни тайёрлаш бўйича ҳам оқсоқлик сезиляпти. Планда белгиланган 1150 тонна ўрнига ҳозирча базўр 786 тонна бу турдаги озуқа ҳозирланди, холос. «Қизил ту» колхозида 150 тонна ўрнига 40 тонна, Жданов номли колхозда 160 тонна ўрнига 50 тонна ўт талқони жамғарилди. «Чорвоқ» совхозида ҳам олға силжиш сезилмаяпти. Ваъда қилинган озуқа қоғозда қолиб кетяпти. Ёз бўйи бирор килограмм ўт уни ҳозирланмади.

Бу йил районда 837 гектар майдонга силос учун маккажўхори экилди. Қишловга 33 минг тонна силос бостириш планлаштирилди. Аммо ҳозирга қадар 468 гектардаги экин йиғиштириб олинган бўлишига қарамай 11,5 минг тонна озуқа хандақларга жойланди. Экин майдонининг ярмидан кўпида ўриш ишлари ниҳоясига етди. Кошки эди қолган майдонлардан 22 минг тонна силос тайёрлаш мумкин бўлса. Бу ерда мавжуд техникадан унумли фойдаланилмаётганлиги шундоққина сезилиб турибди. Район бўйича ҳосили йиғиштириб олинаётган майдон кунига ўртача 11 гектардан ошмаяпти. Шундай бўлгач далаларда нечта комбайн ишлатиляпти, нечтаси сифатсиз ремонт қилинганлигидан бузилиб, далада ётибди, билиб бўлмади. Ҳеч ким аниқ айтиб беролмади.

Район хўжаликлари оралиқ экинлар экишда ҳам областда охирги ўринларда боряпти. Бу йил кузда ва баҳорда қорамолларга ўриб едириш учун 400 гектар майдонга жавдар, перко, рапс экиш мўлжалланди. Экиш муддати ўтиб бораётган бўлсада бу ишга ҳамон панжа орасидан қаралмоқда. 11 сентябргача бу тадбир 30,7 процентга бажарилди, холос. Районда оралиқ экин шартмикин, дейдиганлар ҳам учраб туради. Шу боисдан бўлса керак Жданов номли колхоз, «Новгород», «Чорвоқ» совхозларида экин экиладиган майдонлар аллақачон ҳайдаб қўйилган бўлишига қарамай, ҳалигача ишга киришилмаяпти.

«Бўстонлиқ» совхози далаларидамиз. Хўжаликда қишловга ем-хашак жамғариш яхши йўлга қўйилмаган.

Л. Нам бошчилик қилаётган бригада аъзолари бу йил 86 гектар майдонга силос учун маккажўхори экишди. Парвариш жараёнида агротехника тадбирлари муддатида ўтказилмади. Озиқлантиришга етарли эътибор берилмади. Экин икки-уч марта чанқатиб қўйилди. Натижада карталарда ола жойлар кўпайди. Кўчатлар сийрак бўлди. Мана ниҳоят ғалвирни сувдан кўтарадиган вақт келди. Экиннинг 63 гектардагиси ўриб олинди ва шундан 1401 тонна силос бостирилди. Ахир план бўйича бу йил мавжуд макка майдонларидан 3300 тонна чорва озуқаси олиниши керак-ку!

Далада 2 та комбайн ишлатиляпти. Ҳар бир агрегат ёрдамида кунига бир гектарга яқин майдондаги экин йиғиштириб олиняпти. Ўрувчи агрегатларнинг бекор туриб қолиш ҳолларига барҳам берилмаяпти. Эскирган деталларни янгиси билан алмаштириш учун эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Бузилиб қолган машиналарни даланинг ўзида ремонт қилувчи кўчма устахона иши талабга жавоб бермайди.

Хўжаликда ўт уни жамғаришга ҳам совуққонлик билан қаралмоқда. 150 тонна ўрнига эндигина 52 тонна ўт талқони тайёрланибди. Оралиқ экинлар экишга ҳам жиддий киришилгани йўқ. Бу борадаги план эндигина 10 процентга бажарилибди, холос.

Озуқачиликдаги ишлар ўлда-жўлда. Бу сут етиштиришга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шу кунларда мавжуд 516 бош сигирдан 410 боши соғиляпти. Кунига 1910 килограммдан маҳсулот олинмоқда. Кўк озуқа бериб боқилаётган сигирларнинг ҳар биридан кунига 4,7 килограммдан сут соғилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, районнинг кўпгина хўжаликларида чорвачиликдаги ишларни қайта қуриш суст кетяпти. Хўжалик раҳбарлари эскича ишлаш усулларидан нарига ўтмаяптилар.

**А. ИБРОҲИМОВ,**
**Бўстонлиқ район «Коммунизм учун» газетасининг махсус мухбири.**

**И. ТОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

## *УРУҒЛИК ПИЁЗ ЭКИЛМОҚДА*

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Коммунист» колхозида куни кеча уруғлик пиёз экиш бошланди. Хўжаликнинг М. Расулов, Ҳ. Ўрмонов, Ғ. Қўнғирбоев бошлиқ бригадаларида бу иш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

— Яқингинада 65 гектар ерга озуқа лавлаги, 6 гектар ерга саримсоқ, 30 гектар майдонга оралиқ экинлари — жавдар, сули экилган эди, — деди колхоз бош агрономи Озод Эргашев, — ҳозир эса уруғлик пиёз экмоқдамиз. Кунига 7—8 гектар ерга уруғлик ташланяпти. Жами 150 гектар ерга пиёз экилади. Азамат деҳқонларимиз экиш мавсумини октябрь ойининг ўрталаригача тугаллаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

...Худди шундай. Хўжалик далаларини айланган одам миришкор сабзавоткорларнинг шу кунлардаги ишларидан, албатта, хурсанд бўлади. Ер бағридан кўм-кўк бўлиб униб чиққан озуқа лавлаги ва саримсоқ ниҳоллари киши нигоҳини қувонтиради.

**У. РАҲИМОВ.**

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

## СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● **СОФИЯ.** Пловдив шаҳри яқинида автомобиль электроникаси заводини қуриш тўғрисидаги битим Совет-Болгария қўшма корхоналари системасини ривожлантиришда янги уфқлар очиб беради. Бу корхона Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилувчи «Жигули», «Москвич», кам ёнилғи кетадиган машиналар ва юк автомобиллари учун электрон ускуналар тайёрлаш билан шуғулланади.

Моторларда ёқилғи ёнишини бошқарувчи микропроцессор системалар Пловдив корхонасининг ишлаб чиқариш профилида алоҳида ўрин тутади. Электроника йилнинг исталган вақтида моторлар ишга тушиб кетаверишини ва улар ғоятда тежамли бўлишини таъминлайди. Кейинчалик Пловдивда совет автомобилларининг келгусидаги янги истиқболли моделлари учун бошқа хил приборлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

● **БЕЛГРАД.** Загребда анъанавий халқаро савдо-саноат ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмарка ишлаб турган пайтда Югославияда катталиги жиҳатдан иккинчи шаҳарнинг ярим миллионга яқин аҳолиси ва меҳмонлари 70 мамлакат экспонатлари билан танишди. Совет Иттифоқи турли саноат маҳсулотларининг беш мингта намунасини кўрсатди. «Белорусь» тракторининг янги моделлари, мотоциклар, пўлатни узлуксиз қуювчи установка макети, пайвандлаш техникаси томошабинлар эътиборини жалб этди. СССР павильонининг махсус бўлимлари совет Эстонияси ҳамда Загреб билан биродарлашган Ленинград шаҳрига бағишланганди. Загреб «Раде кончар» ишлаб чиқариш бирлашмасида чиқарилаётган энергоблоклар учун Ленинград «Электросила» бирлашмаси роторларини Югославияга етказиб бериш учун катта шартнома имзоланди.

(ТАСС, 22 сентябрь).

## ДЎСТОНА ВИЗИТ

УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети, МХР Буюк халқ хурали Президиуми таклифига биноан ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси Войцех Ярузельский бошчилигидаги Польша партия-ҳукумат делегацияси расмий дўстона визит билан бугун Улан-Баторга келди. Аэропортда польшалик юксак даражали меҳмонларни МХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, МХР Буюк халқ хуралининг Раиси Жамбин Батмунх, республиканинг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар. Делегация МХРда уч кун бўлади. Шу вақт ичида Монголия билан Польша ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида ҳужжатлар имзоланади.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТУГАДИ

ГААГА. Голландиядаги Амерсфорт шаҳрида ўз ишини тугатган халқаро конференция «хотин-қизлар Ер юзида ва космосда қуролланиш пойгасига қарши курашда» деб аталган. Конференцияни «Хотин-қизлар — ядро қуролига қарши» Голландия ҳаракати активлари ташкил этганлар. Конференция ишида совет хотин-қизлар комитетининг делегацияси қатнашди. Конференцияда тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш ҳаракатлари программаси ишлаб чиқилди, бу программада 1986 йил 24 октябрдан ядро қуроли синовларини таъқиқлашни қўллаб-қувватлаш, «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари» ҳаракатидан намуна олиб тинчлик учун курашувчи хотин-қиз олимлар ҳаракатини барпо этиш учун халқаро кампанияни бошлаш кўзда тутилади.



● **Америкапараст Дуарте тузуми террори ва зўравонлигидан мамлакатни тарк этишга мажбур бўлган 600 минг сальвадорлик хорижий мамлакатларда аянчли ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг кўпчилиги турли хил касалликларга мубтало бўлишган. Ошқозон касалликлари оқибатида болалар кўплаб нобуд бўлмоқда. Чунки қочоқлар яшаётган лагерларда сув, электр энергияси йўқ, антисанитария ҳолати ҳукм сурмоқда. Суратда: сальвадорлик аёл Гондурас территориясидаги қочоқлар лагерида.**

**ТАСС фотохроникаси.**

## «САМОВИЙ УРУШЛАР»ГА ҚАРШИ

ТОКИО. Рейган маъмурияти эълон қилган «стратегик мудофаа ташаббуси» ядро уруши хавфини кучайтиради. Нагоя шаҳри университетининг доценти Сиодзи Савада «Жапан таймс» газетасида бугун шу ҳақда ёзади. Сиодзи Савада «самовий урушлар» программасига ва ядро қуролларига қарши чиқаётган япон олимлари уюшмасининг секретариатига бошчилик қилмоқда. Япониянинг «стратегик мудофаа ташаббуси»ни амалга оширишдаги иштироки мамлакат иқтисодий ва техникавий потенциалини Америка ядро стратегиясига жалб этишга олиб боради, Япония илмий-тадқиқот ишларини ҳарбийлаштириш хавфини солади, деб таъкидлайди Савада.

(ТАСС, 22 сентябрь).

